



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2019 йил 3 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 53 (13.900)

Баҳоси эркин нарҳда



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Сўнги йилларда мамлакатимизда томорқалардан самарали фойдаланиш асосида мева-сабзавот, полиз, дуккакли маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш ва экспорт ҳажмини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.**



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманган вилоятида Президентимизнинг 2017 йил 12 сентябрдаги "Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ҳомийлигида барпо этилган 50 та ҳовли-жой кам таъминланган, уй-жойга муҳтож оилалар ва ногиронлиги бор фуқароларга бепул топширилди.

• "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти томонидан Термизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчи тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилган ишлар ва уларнинг темир йўл хизматларидан фойдаланишида яратилаётган имтиёزلарга бағишланган семинар ташкил этилди.

• Фарғона вилояти перинатал марказида Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг таниқли профессор-олимлари ва соҳа мутахассислари иштирокида маҳорат дарслари бўлиб ўтди. Ушбу маҳорат дарсларида профессор ва олимлар шаҳар ва туманлардаги соҳа мутахассисларига гинекологик касалликларни даволашнинг замонавий усуллари ҳақида тушунчалар берди.

• Мингбулоқ туманида вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимликларида давр талабига мос иш юритиш масалаларига бағишланган ўқув-амалий семинар ўтказилди. Тадбирда маҳаллий бошқарув идораларида ҳужжатлар билан ишлаш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш, топширилган ижросининг тизимли назоратини йўлга қўйиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича олиб борилган ишлар муҳокама қилинди.

## ЖАҲОНДА

• Буюк Британия бош вазири Тереза Мей Брексит жараёнини яна бир марта қисқа муддатга суриш лозимлигини таъкидлади.

• Жазиор президент Абдулазиз Бутефлика ўзининг истеъфога чиққанлигини маълум қилди.

• Украина Марказий сайлов комиссияси томонидан билдирилишича, президент сайловлари биринчи турида овоз бериш натижалари бўйича бюллетенларнинг 99,5 фоизи ҳисоб-китоб қилинган, 30,22 фоиз овоз билан Владимир Зеленский етакчилик қилмоқда. Амалдаги давлат раҳбари Пётр Порошенко 15,94 фоиз, Юлия Тимошенко эса 13,39 фоиз овоз тўплагани ҳолда кейинги ўринларни эгаллаб туришибди. Сайловларнинг иккинчи тури 21 апрелда бўлиб ўтди.

## ҚИСҚА САТРАПДАР

• 2 апрель — "Халқаро болалар китоб кўни" муносабати билан пойтахтимиздаги "Санъат гулиши" маданият саройида "Китоблар мўъжизасига чорлайди" номли байрам дастури бўлиб ўтди.

• Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида академик мобиллик йўлга қўйилди.

• Пойтахтимизда "Ўзбекистонда нон ва қандолат маҳсулотлари бозорини ривожлантириш" мавзусида биринчи халқаро бизнес-форуми ташкил қилинди.

• "Тошхашартрансхизмат" АЖга қарашли автобус саройлари тасарруфидоги йўналишларга янги автобуслар қўйилди.

• Шаҳримиз туманларида реабилитация марказларининг бўлималари ўз фаолиятини бошлади.

## 2020 ЙИЛДА МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ҲАЖМИ 22,4 ФОИЗГА ЕТАДИ

Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш (қуришти) бўйича янги қувватларни ишга тушириш ишларининг тахлили айрим туманларда бу йўналишдаги фаолиятни янада ривожлантириш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш чораларини кўриш зарурлигини кўрсатмоқда.

Худудларда соҳани янада ривожлантириш, қуритилган маҳсулотлар турларини кенгайтириш, экспортини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 ноябрдаги "Республикада 2019-2020 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, 2019 йилда мева-сабзавот маҳсулотларини қуриштиш корхоналарини ташкил қилишнинг манзилли дастури тасдиқланди. Унга кўра, мамлакат бўйича 28 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, уларнинг йиллик қуввати 73 минг 20 тоннани ташкил этади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари билан бирга мева-сабзавот маҳсулотларини қуришти бўйича амалга ошириладиган лойиҳаларнинг ба-жарилишига жавобгар этиб белгиланди.

Тошкент вилоятида ҳам қишлоқ хўжалиги изчил ри-

вожланиб, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва бошқа тармоқларда юқори натижаларга эришаётган кўп тармоқли фермер хўжалиқлари, хусусий тадбиркорлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Улар амалга ошираётган лойиҳалар аҳоли фаровонлигини юксалтириш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконини бермоқда.

Кейинги йилларда вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш йўналишида фаолият бошлаётган корхоналарга ҳар томонлама кўмак берилаётир. Жумладан, Бўка туманидаги "TNA Agroinvest tomorqa xizmati" масъулияти чекланган жамиятида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, қуришти йўлга қўйилди. Замонавий ва энергия тежамкор технология усуллари билан жиҳозланган корхонада 50 дан орტიқ одам иш билан таъминланган. 2018 йилда 400 минг долларлик маҳсулот Бельгия, Россия ва Германияга экспорт қилинди. Жорий йилда бу кўрсаткич-ни 1 миллион доллардан ошириш режалаштирилган.

Айни пайтда корхонамизда кунлик ишлаб чиқариш ҳажми 2 тоннага етказдик, — дейди "TNA Agroinvest tomorqa xizmati" МЧЖ раҳбари Шерали Умиров. — Йил охиригача 4-5 тоннага қиқарамиз. Асосан булғор қалампир, ошқовоқ, қизил лавгани, карам ва турли кўкатларни қайта ишлаяпмиз. Имкониятларимиздан фойдаланиб, янги линияларни қуришни бошлаб

юбордик. Келгусида янада кўп мева-сабзавотни қайта ишлашни ташкил этиб, туманимиз аҳолисини қўшимча иш ўрни билан таъминламоқчимиз.

Заводда ишлаб чиқариш жараёни тизимли равишда йўлга қўйилгани боис, иш унуми ва маҳсулот сифати юқори бўлмоқда. Мева-сабзавот аҳоли, фермер ва деҳқон хўжалиқларидан харид қилинмоқда. Туман ҳокимлиги корхонага минг гектар ер майдони ажратди. Жорий мавсумда бу ерда замонавий иссиқхона барпо этилиб, турли сабзавотлар парваришланади. Улар тўлиғича қайта ишланади.

2021-2029 йилларда худудларда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 330 дан орტიқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган, — дейди "Ўзбекзоиковқатхолдинг" компанияси бошқармаси бошлиғи Абдуғаффор Умаралиев. — Шунингдек, қўшимча қуриладиган 1 минг 780 музлаткичли омборхонанинг сифими 1 миллион 340 минг тоннани ташкил этади. Келаси ўн йилда вилоятлардаги корхоналарнинг эскирган усуналари модернизация ва реконструкция қилинади. Натижада экспортбоп, юқори қўшимча қийматли — музлатилган, қуритилган мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўпаяди.

Бундан ташқари, тайёр маҳсулотлар тўғрисидаги истеъмолчиларга етказиб бериладиган кичик ҳажмдаги қадоклаш буюмларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилади. Мамлакатимизда 2017 йил мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси 18,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда ушбу кўрсаткич 22,4 фоизга етказиб режалаштирилган. Соҳада амалга оширилаётган бу каби саъй-ҳаракатлар иқтисодий янада ривожлантириш, фаровонлиқни юксалтиришга хизмат қилади.

Абдулазиз МУСАЕВ,  
ЎЗА муҳбири

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР, ГЎДАКЛАР ТАШВИШИ ВА ПАРЛАМЕНТ КЕЛИШУВЛАРИ

**2019 йил 2 апрель кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакат ижтимоий-иқтисодий, соғлиқни сақлаш, жамоатчилик назоратини таъминлаш соҳаларидаги ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.**

Мажлис аввалида бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан бири сифатида қаралаётган — мамлакатимизнинг сайёҳлик имкониятларидан кенг фойдаланиш, туризм соҳасини тартибга солишга қаратилган "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама этилди.

Қайд этилганидек, ушбу қонун лойиҳаси 2018 йилнинг 9 октябры кuni парламент кўйи палатасининг мажлисида биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинган эди. Утган давр мобайнида давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 8 августдаги "Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиқиб, депутатлар томонидан билдирилган қатор фикр-мулоҳаза ва таклифлар асосида ушбу қонун лойиҳасидаги ҳаволали нормалар ўрни тўғрисида-тўғри амал қилувчи моддалар билан тўлдирилди. Хусусан, қонун лойиҳасида туризм фаолиятини ташкиллаштиришни таъминлайдиган туризм корхоналари — туризм операторлари, туризм агентликлари, экскурсия ташкилотлари, туризм фирмаларининг туризм фаолиятини амалга ошириши фақат лицензия асосида олиб борилиши белгилаб қўйилмоқда. Шу тарихда туризм фаолиятини амалга ошириш ниятида бўлган исталган юридик ёки жисмоний шахсга эндиликда мазкур лицензия асосида эркин фаолият юритиш имконияти яратилди.

Депутатларнинг фикрича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизга ташриф буюриш ниятида бўлган сайёҳлар учун янада энгил ва қулай шартлар яратди, туризм соҳасини жадал ривожлантириш, соҳа тараққийтини таъминлаш ва унинг инфратузилмаларини жаҳон стандартларига мос равишда такомиллаштириш имконини беради.

Мажлисида "Гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг овқатланиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг муҳимаси ҳам қизғин кенди. Биринчи ўқишда кўриб чиқилган мазкур қонун лойиҳасида гўдакларни она сuti билан боқишни тарғиб этиш, шунингдек, болалар озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан қўйиладиган талаблар, уларга риоя этиш чора-тадбирлари, сертификатлаш масаласи ҳамда ушбу соҳада тиббиёт ходимларининг ўрни ва вазифалари белгилаб қўйилмоқда. Шунингдек, мазкур соҳани давлат томонидан тартибга солиш, унда Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, фуқароларнинг ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг ваколатлари ҳам аниқлаштирилмоқда.

Энг муҳими, қонун лойиҳасида гўдаклар, кичик ёшдаги болалар билан бирга оналар бўлиши мумкин бўлган тиббиёт муассасаларида, шунингдек, бошқа ташкилотларда, жамоат жойларида тегишли санитария қоидалари ва гигиеник нормативларга жавоб берадиган гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни эмизишга мос бўлган маҳсулот ажратилган жойлар ташкил этилиши назарда тутилмоқда.

Депутатларнинг қайд этишича, ушбу қонун лойиҳаси мамлакатда соғлом насл ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган қатор тадбирларнинг мантйқий давоми ва қонуний асоси бўлиб хизмат қилади.

Мажлисида кўриб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун бўйича келишув комиссиясини тузиш ҳақидаги масала баҳс-мунозарали кенди. Гап шундаки, Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун 2019 йил 28 февралда Олий Мажлис Сенати янги мажлисида кўриб чиқилди ва рад этилди. Бу парламент фаолиятида кузатиладиган ҳолдир.

Алоҳида қайд этиш жоизки, фикрлар хилма-хиллиги, қарашларнинг турфалиги, ўзаро баҳс-мунозара ва тортишувлар қонун ижодкорлиги — парламентаризмнинг энг муҳим тамойилларидан ҳисобланади. Шу маънода парламент кўйи палатаси томонидан киритилган мазкур қонун юзасидан баҳс-мунозара ўтказиб, ягона тўхтамага келиш мақсадида қонун ҳужжатлариди ўрнатилган тартиб-таомилга кўра, Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссияси тузилди. Палаталар келишув комиссияси ягона фикрга келгач, қонун оdatдаги тартибда кўриб чиқилади ва қабул қилинади.

Агар Сенат томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонун яна маъқулланса, қонун Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига Қонунчилик палатаси томонидан юборилади.

Мажлисида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати**

## ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ РАИСЛАРИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

**Фуқаролар йиғинлари раисларининг ваколат муддати 2019 йил май ойида туташ муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг 2019 йил 15 февралдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, жорий йилнинг май ойида ўтказиладиган сайловда 9 минг 19 нафар фуқаролар йиғини раис сайланиши белгиланди.**

Айни пайтда сайловни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш борасида жойларда кенг қўллаб-қувватлаш бўлиб боришда. Жумладан, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашида сайловга оид маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш, оммавий ахборот воситалари ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш бўйича Республика комиссиясининг штаби тузилди.

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқли) сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳиятини тушунириш бўйича вилоятлардаги 9 минг 19 маҳаллада тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади. Ушбу тадбирларда 2,6 миллион нафарга яқин аҳоли қамраб олинди. Бундан ташқари, сайлов натижаларига кўра, маҳалла органларини шакллантиришга оид ҳужжатлар намуналари тўплами ишлаб чиқилиб, барча худудларга етказилди.

Мутахассислар жойларда маҳаллар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича худудий ва туман (шаҳар)лар кенгашларининг 1 714 нафар ходими учун "Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини самарали ташкил этиш ва ўтказиш масалалари" мавзусида ўқув-семинарлар ўтказди.

Фуқаролар йиғинлари бўйича сайлов ёшига тўлган 21,8 миллион нафарга яқин фуқаронинг рўйхати шакллантирилди, — дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини муво-

фиқлаштириш бўйича республика кенгаши бўлим бошлиғи Элмурод Қаршиев. — Жойларда фуқаролар йиғини раиси сайловини ўтказиш учун 20 минг 484 овоз бериш кабинаси ва 10 минг 847 кўти, 9 минг 143 овоз кўнайтиргич мавжуд. Бугунги кунда кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқли) сайлови тўғрисида"ги қонунлар билан таъминлаш мақсадида тегишли тўплам тайёрланиб, 10 минг нусхада чоп этилмоқда.

Шунингдек, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқли) сайлови тўғрисида"ги қонуннинг талаблари асосида 2019 йилнинг июнь-сентябрь ойларига мўлжалланган Ҳаракатлар режалари худуддаги муаммолардан келиб чиқиб тайёрланди. Мазкур режалар секторлар раҳбарлари ва маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман (шаҳар)лар кенгашлари бошқарувлари раислари томонидан тасдиқланди.

Вилоятлардаги барча маҳалла фуқаролар йиғини раисининг маънавий муҳитини соғломлаштириш бўйича 2019 йилнинг июнь-сентябрь ойларига мўлжалланган Ҳаракатлар режалари худуддаги муаммолардан келиб чиқиб тайёрланди. Мазкур режалар секторлар раҳбарлари ва маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман (шаҳар)лар кенгашлари бошқарувлари раислари томонидан тасдиқланди.

(ЎЗА)



Келажакка юз тутган шаҳар



## ПОЙТАХТИМИЗДА БУНЁД ЭТИЛАЁТГАН "CITY" ЛАР:

# ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Глоблалашув, замон талаблари асосида ривожланиш ҳар бир соҳада улкан ютуқлар билан бирга айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Марказий кўчаларда автомобиллар тирбандлигининг ошириб бориши, турар жойларга бўлган эҳтиёжнинг ортиши шулар жумласидандир. Шаҳримиз марказида ва туманларида замон талаблари асосида "City" ларнинг бунёд этилиши даврнинг шиддат билан ўзгариб бориши туфайли юзага келаятган юқоридаги каби муаммоларнинг ҳал этилишида муҳим ўрин тутди.**

Бинобарин, "City" ларга қўйилган ўзига хос талаблар ҳам борлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Яъни, шаҳар ичра кичик бир шаҳар ҳисобланмиш "City" ларда барча шарт-шароитлар яратилган бўлиши, турли туман объектлар, дам олиш масканлари аҳолига намунали хизмат кўрсатиши лозим. Чунинчи, улар худуднинг катта қисмидан яшил зоналар, савдо ва дам олиш, кўнгилочар марказлар, турли туман хизматлар кўрсатиладиган иншоотлар, ўқув марказлари ва мактабгача таълим муассасалари, бир сўз билан айтганда, ўзига хос қулайликлар мажмуаси ўрин олиши даркор. Шаҳар марказида "Tashkent City" нинг жадал суръатларида бунёд этилаётгани, унинг шаҳримиз чиройига тобора чирой қўшиб бораётганлигини барчамиз яхши биламиз.

12 та, шу жумладан етакчи хорижий компаниялар инвестор сифатида ўз маблагларини киритаятган, 2021 йилнинг охирида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган ушбу улкан замонавий мажмуадан саккизта лот бўйича Ўзбекистондаги энг балид 200 метрлик осмонўпар бино, учта 18 қаватли ту-

рар жой ва иккита 22 қаватли меҳмонхона ҳамда бизнес-марказ бинолари, 21 қаватли беш юлдузли "Hilton" меҳмонхонаси, бош офислар, банклар ва кредит-молия институтлари, 18 гектарлик майдонда замонавий аттракционлар, кино-театр ва бири-бирдан қизиқарли кўнгилочар муассасалар ўрин олади. "Tashkent City" да нафақат турли туман нарсаларни харид қилиш, балки оватланиш, кўнгилочар, оила аъзолари билан бўш вақтларини мароқли ўтказиш мумкин бўлади.

Бу ерда амалга оширилаётган ишларни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун тўрт ярим мингдан ортиқ тажрибали лойиҳачилар, таъминотчилар, лаборантлар, қурувчилар икки сменада меҳнат қилишмоқда.

– Бўш вақтимда "Tashkent City" да амалга оширилаётган кенг қўламдаги бунёдкорлик ишларини кузатиб бораман, – дейди меҳнат фахрийси Ориф Жалилов. – Уйлайманки, жадал суръатларида қад ростлаётган ушбу тимсоли йўқ мажмуа нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёда ҳам йўналиши бўйича ягона замонавий иншоотга айланади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Олмазор, Юнусобод ва Мирзо Улуғбек туманларида ҳам бизнес-ситиларнинг қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Улар давлатимиз раҳбарининг республикамиз худудда "Business City" ларни бунёд этиш ҳақидаги қарорига асосан Тошкент шаҳри аҳолиси учун ўзи истиқомат қилиб турган худудда барча шарт-шароитларнинг мавжуд бўлишини таъминлаш мақсадида қад ростламоқда. Улардан ўрин оладиган турли туман иншоотлар, истироҳат боғлари ва яшил зоналар ҳар бир туманнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштирилган.

Масалан, "Olmazor Business City" га туман номига мос равишда замонавий кўп қаватли уйлар, бизнес ва молия марказлари билан бир қаторда ҳар хил олмазор боғлар кўрк бағишлади. Яъни, умумий майдони 23 гектар бўлган "Olmazor Business City" нинг деярли ярми яшил зонадан ташкил топади. Қичқирқанали атрофидаги худуд нафақат туман, балки пойтахтликлар ва унинг меҳмонлари севиб ҳордиқ чиқарадиган масканга айланади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

## Қарор ва ижро

# ИЖРОДА БЮРОКРАТИК ТЎСИҚ ВА ҒОВЛАРГА БАРҲАМ БЕРИЛАДИ

**Ҳар қандай қарор ижроси билан кучли, албатта. Айрим ҳолларда қарорлар ва бошқа ҳужжатларнинг вақтида ижро этилмаслиги салбий оқибатларга олиб келиши ҳам мумкин.**

Бундай ҳолга барҳам бериш, ижро интизомини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Мажбурий ижро бюроси ташкил этилган. Бюро иш бошлаганидан бери ижрода сезиларли даражада олдинга силжиш кузатилди. Бироқ ижро иши юритилишида айрим муаммолар йўқ эмас.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 12 мартдаги "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори ижро ҳаракатлари жараёнидаги айрим муаммоларни бартараф этишга қаратилган.

ЎА мухбири қарор ижроси бўйича Мажбурий ижро бюроси бўлим бошлиғи Фаррух ТОШПЎЛАТОВ билан суҳбатлашди.

– **Ижро самарадорлигини ошириш учун қандай чоралар кўрилади?**

– Президентимизнинг қарори билан ижро иши жараёнидаги ортиқча овозгарчилик, бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам берилади. 2019 йил 1 апрелдан бошлаб суд ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига медиация институтини қўшиб қўйилди.

Медиация низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усулидир. Медиация амалга оширилаётган пайтда ижро иши 15 кундан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб турилади. Бунда томонлар ўртасида ижро предметига доир келишув расмийлаштирилган ҳолларда ижро иши юритиши тугатилди.

Қонунчилик тарафларнинг ўзаро келишганлиги муносабати билан ижро иши юритишни тугатиш имконияти мавжуд эмас эди. Эндиликда шаффофликни таъминлаш мақсадида бу жараёнда давлат ижроси ва давлат органларининг иштироки таъкидланади. Бу турли суиистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларининг олдини олади.

– **Ижро иши юритишни қўзғатиш бир иш кунини ичиде амалга оширилиши қандай қулайлик яратди?**

– 2019 йил 1 июндан бошлаб ижро иши юритишни қўзғатиш ижро ҳужжати келиб тушган вақтдан бошлаб бир иш кунини ичиде амалга оширилади. Ҳозирги кунда бу муддат 3 кун.

Бу борада қисқа муддат белгилангани ижро ҳаракатлари бўйича томонларнинг, тадбиркорлик субъектларининг вақтини тежаш ҳамда ижро ҳужжатларининг янада самарали кечишига имкон беради.

– **Мутахассис хулосасини олиш учун вақт белгилангани қандай аҳамиятга эга?**

– "Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида" ги қонуннинг 20-моддасига кўра, ижро ҳаракатларини амалга ошираётганда махсус билдиримлар

талаб қиладиган масалаларни тушунтириш зарурати бўлса, давлат ижроси мутахассис тайинлаши мумкин.

Бироқ мутахассис томонидан тегишли хулоса бериш учун муддат белгиланмаган эди. Бу эса ижро муддатларининг чўзилишига, пировардида ундирувчиларнинг ҳақли эътирозлари сабаб бўлаётган эди. Эндиликда мутахассис ижросининг қарори билан танишган кундан бошлаб ўн беш иш кунини ичиде ёзма хулоса тақдим этиши шарт.

– **Ижро ҳаракатлари оид интерактив давлат хизмати тизими қачон жорий этилади?**

– 2019 йил 1 октябрдан "mib.uz" веб-сайтида бепул асосда ижро ҳаракатлари интерактив давлат хизмати тизими жорий этилади.

Интернетдаги ушбу тизим орқали ундирувчи ва қарздор томонидан ижро ҳаракатлари боришининг барча босқичларини кузатиш, шунингдек, қарзни онлайн тарзда тўлаш ва ижро ҳужжати баҳарилганлигини қайд этиш мумкин бўлади.

2019 йил 1 октябрдан бошлаб Ижро ҳужжатларининг ягона электрон базасини юритиш тартиби жорий қилинади. Бу эса ижро ишларини тенг ва мутаносиб тарзда тақсимлашга шароит яратди, ижронинг сифатли бажарилиши ва, энг муҳими, бу жараёнга инсон омилнинг таъсирига чек қўяди. Дастлаб бу амалиёт эксперимент тариқасида 1 октябрдан Бюронинг Тошкент шаҳар Яққасарой тумани ва Навоий шаҳри бўлимида жорий қилинади.

Мажбурий ижро бюроси органларида ҳам ягона электрон маълумотлар базаси юритилди. Ижро ҳужжатлари бўйича бюро маълумотларини электрон тарзда юритиш тартиби йўлга қўйилди.

Эндиликда ундирувчи ҳам, қарздор ҳам электрон базасига кирган ҳолда ўзига боғлиқ бўлган ижро ҳужжатининг қайси босқичга келганлиги, ундириш жараёни қандай кетаётганлиги тўғрисида онлайн режимда маълумот олиш имконига эга бўлади.

Ижро иши қўзғатилганлиги ҳақидаги хабар ундирувчи ёки қарздорнинг электрон почтасига ёки мобил телефонига қисқа хабар (sms) шаклда юборилади. Бунда хабарнинг юборилгани ва унинг қабул қилингани махсус автоматик тизим томонидан қайд этиб борилади. Бу амалиёт "кўрмай қолдим", "беҳабар эдим" каби турли тушунмовчиликларга, баҳоналарга бутунлай чек қўяди.

Мухтасар айтганда, қарор билан ижро ҳаракатлари бўйича томонларга, шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига қулай муҳит яратилмоқда. Ижро жараёнида бюрократик тўсиқларнинг олди олиниши ортиқча вақт ва маблағ сарфлашга барҳам беради.

Норгул АБДУРАИМОВА  
суҳбатлашди

## ЯНАДА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июндаги "Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга беришнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори ижроси юзасидан Назорат режаси ишлаб чиқилган бўлиб, ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда.**

Мазкур режада белгиланган топшириқлар ижроси бўйича бўш турган ер майдонларини хатловдан ўтказиш ташкил этиш бўйича Давергеодезкадастр кўмитаси қўйи тизимидаги худудий бошқармаларда 1 тадан жами 14 та, туман-шаҳарларда 200 та ишчи гуруҳлар ташкил этилди.

Қарорга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги "Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорига мувофиқ ўтган йилнинг 1 июндан бошлаб юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини "E-IJRO AUCTION" ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали сотилиши, шу билан бирга ер участкаларини бериш бўйича материалларни йиғиш, кўриб чиқиш ва ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан келишиш "YERELEKTRON" автоматлаштирилган ахборот тизими орқали электрон шаклда амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Ер участкаларини бериш бўйича материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ва ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан келишиш операцияларини амалга ошириш учун ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар тегишли тартибда компьютер воситалари билан таъминланиб, ушбу компьютер воситаларида "E-XAT" ягона хавфсиз электрон почтаси ўрнатилди ҳамда уни юриштида операторлар буйруқ асосида бириктирилди.

Ер участкаларини танлаш бўйича материалларни йиғиш ва кўриб чиқишда "YERELEKTRON" автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлатиш тартиби бўйича Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси томонидан ваколатли органлар ҳамда ташкилотларнинг мутахассислари 619 та семинар-тренинг ўтказилди.

Жорий йилнинг 1 январга қадар жами 782,5 гектар 4967 та ер участкалари "E-IJRO AUCTION" ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали сотувга чиқарилиди. Шу билан бирга жорий йилнинг 1 январь кунини ҳолатида жами 265,5 гектар 221 та ер участкалари "E-IJRO AUCTION" ягона электрон савдо майдончасида электрон аукцион орқали сотилиши таъминланди.

**Акмал САЙФИТДИНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
Транспорт, қурилиш соҳаси ва  
иқтисодийнинг бошқа тармоқларида  
қонунчилик ижроси устидан назорат  
бошқармаси катта прокурори

## Туманлардан хабарлар

### ЭЗГУ ИШЛАР МУЖАССАМ

Миробод туманидаги "Файзиобод" маҳалласида Валлихўжа ўғли Норхўжа жоме масжиди очилди. Миробод туман ҳокими Ш.Пўлатов Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишларида юрт осойишталиги ва халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу ишлар мужассам эканлигини таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда халқимизнинг фароғатли, бахтли, саодатли ҳаёти йўлида жуда ҳам кўп хайрли ишлар олиб боришмоқда. Айниқса диний соҳага қаратилган юксак эътибор аҳолининг ислом динига ва илмга бўлган муҳаббатини янада оширмоқда.

Туман ҳокими ва бошқа мутасаддиларнинг ҳамкорлиги ва ҳамжihatлигида 2018 йилнинг январь ойида масжиднинг янги биносига илк ғишт қўйилган эди. Ўтган бир йил давомида барча қулайликларга эга файзли масжид биноси барпо этилди.

Миноранинг балидлиги 24 метрдан иборат бўлган масжиднинг асосий ноҳасоси саккиз бурчакли бўлиб, том қисмида гўмбаз барпо этилди. Уйлаймизки, янги масжид халқимизга манзур бўлди ва бу ерда доимо маърифат нури зий сочди.

Очилиш маросимида халқимизнинг азалии таоми ҳалим тарқатилди.

## КИТОБ — МАЪНАВИЯТ ШУЪЛАСИ

Туман Мажбурий ижро бюроси ходимлари ёшларнинг маънавий салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида ўзлари ўқиб, билим олган таълим муассасаларида 300 дан ортиқ китобларни ҳадя қилишди.

– Китоб инсон тафаккурини чархлаб, онгу шуурини янада теранлаштирилади. Китоб ўқиган инсоннинг ақлу идрокки, фикрлаши ва дунёқараш ҳам юксак бўлади, – дейди тумандаги 328-сонли умумий ўрта таълим мактаби директори Феруза Газиқурова. – Тўхфа қилинган китоблар учун туман Мажбурий ижро бюроси ходимларига чексиз миннатдорлик билдирамыз. Совға қилинган китоблар ўқувчиларимизнинг маънавий олами бийиштига яқиндан ёрдам беради

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ АМАЛДА

Туман ҳокимлиги ташаббуси билан аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва спортга бўлган эътиборни янада кучайтириш мақсадида ўтказилган "Велосайр кунини" ҳам ўзига хос равишда ҳақиқий соғломлаштириш ва спорт байрамига айланиб кетди.

Ш.Рашидов маҳалласининг "Кўк гўмбаз" сайлгоҳида ўтказилган велосайр тадбирида туман тиббиёт бирлашмасига қарашли даволалш профилактика муассасалари яъни Марказий кўптармоқли поликлиникаси, 1, 2, 3-оилавий поликлиникалар, 7-болалар стоматология поликлиникаси, 5-туманлараро силга қарши диспансери тиббиёт ходимлари иштирок этди.

Соғломлаштириш мутобақалари доирасида бадантарбия, уч километрга юриш, шифокор кўриги каби тадбирлар ҳам уюштирилди.

Гулҳебра ДУРДИЕВА

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

**Миллий матбуот марказида "Асака" акциядорлик тижорат банки томонидан банк соҳасига замонавий хизматларни жорий этиш, жисмоний ва юридик шахсларга масофадан туриб кўрсатиладиган хизмат турларини кенгайтиришга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

Бугунги кунда банк соҳасида мижозларга хизмат кўрсатиш, тизимга информацион технологияларни кенг жорий этиш, жисмоний ва юридик шахсларга масофадан туриб кўрсатиладиган хизмат турларини кенгайтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. "Асака" банк ҳам бу борада дунё тажрибасига асосланган банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Хусусан, мижозларнинг банк билан алоқа қилиши, хизмат кўрсатишининг барча воситалари ва усулларини, шу жумладан, масофадан хизмат қилиш ҳолатини ўрганиш, шунингдек, суҳбатлашиш маданияти ва ҳозиржавобликни дунё стандартларига етказиш мақсадида хориж тажрибасига эга махсус маслаҳатчи жалб этилган.

"Рақамли банк" тизимида мамлакатимизнинг барча вилоятларида 16 та "24/7" автоматлаштирилган тўхтовсиз хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилган. Шу билан бирга, мижозлар учун турли интерактив хизмат турлари жорий қилинмоқда. Жумладан, "Корпоратив интернет банкинг" хизмати орқали мижозлар (юридик шахслар) ўз ҳисобрақамларини дунёнинг исталган нуқтасидан бошқариши мумкин.

Мижозларга ўз ҳисобрақамларини мобил алоқа воситаларига ўрнатилган махсус дастурий таъминот орқали дунёнинг исталган нуқтасидан бошқариш имконини берувчи "Асака бизнес" хизмат тури мавжуд. Уларга банкнинг "Asaka mobile" мобил иловасидан фойдаланган ҳолда, банкнинг исталган филиалида халқаро "Master card" тўлов картасини очган ҳолда, онлайн режимда турли хизматлар бўйича тўловлар ўтказиш имконияти яратилган.

Шунингдек, сайёҳлар кўпроқ борадиган жойларда "24/7" ёки туну куни режимда ишлайдиган 40 та автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчаси ташкил этилган.

Тадбирда банк мутасаддилари журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Нурилло НАСРИЕВ,  
ЎА мухбири

**Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятида ташкилотнинг "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" да амалга оширилган гуманитар фаолияти ва жорий йилги вазифаларига бағишланган оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида учрашув бўлиб ўтди.**

Анжумани Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти раиси, профессор Ҳамид Каримов очиб, мазкур масалалар буйича маъруза қилди.

Қизил Ярим Ой жамиятини ҳам ўз ичига олувчи Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Халқаро ҳаракати дунёда жамоат ташкилотларининг энг кекса уюшмалари-тижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди грантига сазовор бўлди. Улар Жамият Устав мақсадларини амалга оширишда айниқса ўзгалар кўмагига муҳтож яқка-ёлғиз қариялар, ногиронлар, кўп болали кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш,

тижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди грантига сазовор бўлди. Улар Жамият Устав мақсадларини амалга оширишда айниқса ўзгалар кўмагига муҳтож яқка-ёлғиз қариялар, ногиронлар, кўп болали кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш,

**ИНСОН МАНФААТЛАРИ ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ**

тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, фавқулодда вазиятларга тайёрланиш ва уларни ҳаракатланиш қоидаларига ўргатиш, халқаро инсонпарварлик қадриятларини аҳоли, шу жумладан, ёшлар орасида тарқатиш каби вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ҚЯО жамияти томонидан "Фавқулодда вазиятлардан самарали ҳимояланиш аҳоли хавфсизлиги ва жамият барқарор ривожланишининг асосидир" номли жами 200 млн. сўмлик ижтимоий буюртмани бажариш мақсадида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан 20 та маҳалла тажриба тариқасида танлаб олинди ва "Маҳалла фуқаро муҳофазаси"нинг бундай йиғма гуруҳларидан фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга махсус тайёрланган тажриба базаси сифатида фойдаланиш режалаштирилди. Ушбу лойиҳа доирасида дастурга киритилган маҳаллаларнинг ҳар бирида "Маҳалла фуқаро муҳофазаси" йиғма гуруҳларини фавқулодда вазиятларда зарур бўладиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Аҳоли орасида "Фавқулодда вазиятларда кўрсатиладиган биринчи ёрдам кўникмаларига ўргатиш"га оид семинарлар ўтказилди. Ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинларида ФВларда талафот олиши мумкин бўлган

хавфли манзилларнинг хариталари тузиб чиқилди. Фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш бўйича ижтимоий буюртмага киритилган ҳар бир МФЙда "Зилзила", "Ёнғин" каби симуляцион ўқув машғулотлари ўтказилди. Машғулотларда иштирокчи маҳаллалар худудида истиқомат қилувчи мактабгача, ўрта ва ўртамахсус таълим муассасалари тарбияланувчилари, ўқувчи ва ўқитувчилар иштирок этдилар. Маҳаллий аҳоли билан "Болалар богчаси – мактаб – маҳалла" комплексида муайян хавфсиз жойларга шошилган йиғилиш ва эвакуация қилиш, ФВда ҳаракатланишга оид амалий машғулотлар ташкил этилиб, биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича амалий кўникмалар мустақамланди, маҳаллий жамоа аҳолисининг ФВда имконият ва ресурслар билан мустақил ҳаракатланиш қобилияти текширилиб, амалиётдан ўтказилди.

Матбуот анжуманида 2018 йилда "Ўзбекистон ҚЯО жамияти фаолиятини оммавий ахборот воситаларида энг яхши ёритган журналистик материал" танловининг натижалари эълон қилиниб, голиблар тақдирланди.

Ўз вазифаларини амалга оширишда Ўзбекистон ҚЯОЖ бошқа ташкилотлар, айниқса Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш, Фавқулодда вазиятлар, Халқ таълими, Олий ва ўртамахсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Республика "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари ва уларнинг жойлардаги маҳаллий ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунда мамлакатимиздаги ташкилотлар, ўқув муассасалари, аҳоли яшаш жойларида кўплаб ўқув-услубий тадбирлар, семинар ва тренинглар ташкил этилмоқда.

Аҳолини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодий объектларида 845 санитар дўжиналари, ўқув муассасаларида 3183 санитар постлари мавжуд бўлиб, уларнинг аъзолари биринчи ёрдам кўрсатишга қаратилган кўникмаларини доимий равишда ошириб бормоқда.

Зиёда РАСУЛОВА

**"101" ОҒОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ**

**Ёнғиннинг олдини олиш, қутулмаган, аянчли ҳолатларга йўл қўймаслик учун ҳар биримиз фаол кураш олиб боришимиз даркор.**

Ёнғинларнинг аксарияти фуқароларнинг яшаш жойларида юз бераётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Зеро, газ ёки электр иситиш асбобларидан нотўғри фойдаланиш, уларни ўз билганча тузатиш, умуман ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари кўпинча аҳоли турар жойларида учраб туради. Оқибатда эса ўт балосининг тизгиндан чиқишига йўл қўйилиб, катта зарар етказилади. Шундай экан ёнғинни ўчиргандан кўра, унинг олдини олган афзаллигини унутманг.

**Даврон МИРЗАЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ кичик инспектори, сержант**

Ёнғин бир неча сонияда мол-мулк ва яқинлардан ажратадиган бир оғдатдир.

Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилсак, аксарият ҳолларда бундай оғдатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз, ёш болаларга эътибор бермаслигимиз оқибатида юзага келаётганлигига гувоҳ бўламиз. Баъзи фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганича, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмир-лашади. Натижаси эса ўзингизга аён. Шундай экан қоидаларга амал қилишни унутманг!

**Зафар ҒОҒУРОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Биноси ЁХБ кичик инспектори, сафдор**

Ёнғинларнинг зарари биз ўйлаганимиздан кўра кўпроқ бўлади. Жумладан, турли плёнка қолдиқлари, баклажжалар, ярқоқсиз буюмларнинг ёниши ва туташидан ҳавога жуда кўплаб зарарли газлар тарқалади.

Бундай захарланган ҳаводан нафас олиш эса турли касалликларни тарқалишига сабаб бўлади. Афсуски, ходимларимиз томонидан қатор ибратли ишлар олиб борилаётганлигига қарамай, турли сабабларга кўра ёнғинлар содир бўлмоқда. Улар соғлигимиз, фарзандларимиз келажагига салбий таъсир этмаслиги учун ҳар биримиз ёнғинга қарши, унинг олдини олиш учун фаол кураш олиб боришимиз зарур.

**Азизжон ЮЛДАШЕВ,**  
**Ўзбекистон давлат консерваторияси Биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ бошлиғи, майор**

Болаларни қаровсиз қолдириш, газ ва электр асбобларидан фойдаланишда қоидаларга риоя қилмаслик ёнғинлар юз беришига сабаб бўлмоқда.

Ачинарлиси куйиш тан жароҳати олганларнинг асосий қисми ўсмирлар ташкил этади. Шундай экан бундай ҳолларга тушиб қолмаслик учун фуқароларимиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари, аланга чиқиши эҳтимоли бўлган нарсаларни доимо эътиборда тутишлари керак. Ана шунда биз ёнғиннинг олдини олган бўламиз.

**Файзилла НАРТАДЖИЕВ,**  
**Учтепа тумани ЁХБ инспектори, сержант**

Сергели туманида жойлашган аҳоли турар жойларида жорий йилнинг ўтган даври мобайлида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб қилиш ва профилактик оғоҳлантирув тадбирлар кучайтирилган ҳолда олиб боришмоқда.

Давлат ёнғин назорат инспекторлари томонидан аҳоли турар жойларида ҳамда давлат тасарруфидоғи турар жой биноларнинг ёнғинга қарши ҳолатини текшириш ишлари кучайтирилиб, бунда фуқароларнинг 2539 та шахсий ва 458 та кўп қаватли турар жой биноларининг 4440 та хонадонни текшириб чиқилишига эришилди. Текширувларда асосий эътибор носоз газ ва электр қурilmаларидан фойдаланишга йўл қўймаслик, газ ва электр энергиясидан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш ва бошқа бир қатор хавфсизлик қоидаларига риоя қилиниши муҳимлиги уқтириб ўтилмоқда.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан олиб борилаётган ишлари аҳолининг тинч турмушига қаратилгани билан аҳамиятли.

**Атхам АШИРОВ,**  
**Сергели тумани ЁХБ инспектори, лейтенант**

Шаҳримизда содир бўлаётган ёнғинларнинг аксарияти аҳоли турар жойларида содир бўлмоқда.

Хонадонларда газ ва электр ускуналаридан фойдаланишда кўплаб фуқароларимиз кўпол равишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузишлари натижасида уй-жойлари талафот кўраётди.

Ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий риоя қилсангиз давлат ва шахсий мулкнинг, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

**Ҳаёт НОЗИМОВ,**  
**ЁХБ инспектори, катта лейтенант**

Ёнғин — бу назорат қилиб бўлмайдиган ҳодиса бўлиб, бебаҳо моддий ва маданий бойликларни ҳар бир дақиқада йўқ қилувчи оғат.

Айниқса у фуқароларга қулфат келтирувчи фавқулодда вазиятдир. Ёнғиннинг келиб чиқиши учун уч омилнинг бир вақтни ўзида бир жойда бўлишини ўзи кифоя. Ёнғиннинг келиб чиқиш омилларига — ёнғинчи модда, ҳаво ҳарорати, учкун-алангани киритиш мумкин.

Агарда кундалик турмушда белгиланган қоидаларга барчамиз бирдек амал қилсак турли кўнгилсизликлар келиб чиқмайди.

**Рафаэль ДАВЛЯЕВ,**  
**Камронбек ХУДАЙКУЛИЕВ,**  
**"Миллий" стадиони ЁХБ инспекторлари**

**Халқаро бахшичилик санъати фестивали олдидан**

**ЯНГИ ДОСТОН КИТОБЛАР ТАҚДИМОТИ**

**Термиз шаҳридаги Матбуот уйида 5-10 апрель кунлари ўтказиладиган Халқаро бахшичилик санъати фестивали олдидан энг сара достон ва термалардан иборат янги китоблар тақдимоти бўлиб ўтди. Унда фольклоршунос олимлар, шоирлар, бахшилар, талаба-ёшлар, журналистлар иштирок этди.**



**ТАБИАТНИ БИРГАЛИКДА АСРАЙЛИК**

**Кейинги йилларда Тошкент шаҳридаги ариқлар ва ариқ буйларини тозалаш, чиқиндилардан асраш, канализация сувларини оқизмаслик, одамларни турли хил касалликлардан эҳтиёт қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарори, Тошкент шаҳар ҳокимининг бир қанча буйруқлари чиқди ва натижада пойтахтимизда 420 км.га яқин дарё буйлари, ариқлар, соҳиллар тозаланди.**

Одамлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Аммо, ариқларга қурилишдан олти қолган бетон синиклари, қотиб қолган цемент, ярқоқсиз оҳак, полиэтилен қоп ва пакетлар, турли туман чиқиндилар, ахлатлар, темирлар, банклар, ойна синиклари, ёғочлар, шох-шаббалар ташланиши ҳамон давом этмоқда. Янги қурилган уйлاردан эса тўғри ариққа қаратилиб канализация қувурлари ўрнатилмоқда. Бу қарерда дейсизми? Бу Тошкент шаҳрининг қоқ марказидаги Шайхонтоҳур тумани, Нурафшон кўчасини кесиб ўтган Бўзсув бўйидаги янги берилган, туманининг 4-секторига қарашли уйлар соҳиблари томонидан рўй бераётди.

Ер Бўзсув бўйида бўлгани учун одамлар ўзларига ажратилган олти сотих ер камлик қилиб, дарё бўйини ўзлаштириб ола бошлади. Соҳилга қурилишдан ортган юзлаб машинада чиқиндиларни олиб келиб, тўка бошлади. Бир неча бор шу ерда яшовчи маҳалла аҳолиси норозилигига қарамай мана неча ойидир бу ишларини давом эттириб, шаҳар экологиясига катта зарар келтиришаётди. Минг йилдан буюн оқиб турган Бўзсувни ифлослантириш, турли чиқиндиларни ташлашга уйлайманки ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

**Муҳаммад ИСМОИЛ,**  
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Турон ФА академиги**

доналаридан бўлган "Олтин қобок" достони Ўзбекистон халқ бахшиси Абдуназар Поёновдан эълб олинган. Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаев, Абдуназар Поёнов, машҳур бахши Чоршанба Раҳматуллаев куйлаган "Малла савдогар", "Алпомиш" достонининг Умир бахши Сафаров ҳамда Мардонақул Авлиёқул ўғли куйлаган вариантлари ҳам китоб ҳолида нашрдан чиқди.

— Асрлар давомида оғиздан оғизга ўтиб келган достонларнинг китоб ҳолида чоп этилишини кенг китобхонлар, айниқса, ёшлар илиқ қутиб олаётгани қувонарлидир, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Ф.Шарипов. — Шунги эътиборга олиб, "Сурхон-Навр" нашриётида Ўзбекистон халқ бахшиси Чори Умировнинг "Шерали" достони, Ўзбекистон халқ бахшиси Шодмон Хўжамбердиевнинг "Куйла, Сурхон дўмбираси", истеъдодли бахши Муҳаммад Темиралли ўғлининг "Устозлар" термалари, фольклоршунос Абдуолим Эргашевнинг "Оилавий бахшилар сулоласи" китоблари ҳам бизнинг бўлим хомийлигида нашрдан чиқарилди.

Тадбирда "Сурхон-Навр" нашриётида чоп этилган ушбу асарлар ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинди.

**Холмўмин МАМАТРАЙМОВ,**  
**ЎЗА мухбири**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Хўрматли ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!**  
"Олмазор кичик sanoat зонаси" акциядорлик жамияти Сизларни жамият худудида жойлашган бино ва иншоотларни имтиёзли равишда узоқ муддатли ижарага бериш бўйича ўтказиладиган танловга

**ТАКЛИФ ЭТАДИ**  
**АСОС:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сонли ва 2017 йил 18 майдаги ПҚ-2973-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 378-сонли қарори ва 2017 йил 4 июлдаги 463-сонли қарорлари, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 30 октябрдаги 1453-сонли ва 2017 йил 23 майдаги 638-сонли, 2015 йил 12 январдаги 14-сонли қарорлари, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган кичик sanoat зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Маъмурий кенгашнинг 2019 йил 29 мартдаги 20-сонли баёни.

- "Олмазор кичик sanoat зонаси" АЖ
- Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уй.
- Умумий ер майдони: 8,8 га.
- Ижарага берилаётган бинолар ва иншоотлар сони: 8 та лот.
- Жами ижарага берилаётган майдон: 6663 кв.м.
- Коммуникация тармоғи: электр энергияси, газ тармоқлари ва сувуқ сув билан таъминланган.
- Sanoat зонасининг йўналиши: электр техникаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш.

**Танловда қатнашиш учун таклифларни топшириш манзили:** "Олмазор кичик sanoat зонаси" АЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уй.

**Танловда қатнашиш учун таклифларни қабул қилиш муддати:** 2019 йил 29 апрель, соат 18:00.

**Танлов ўтказиш санаси:** 2019 йил 30 апрель, соат 17:00 да.

**Танлов ўтказиш манзили:** "Олмазор кичик sanoat зонаси" АЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уй.

**Маълумот учун телефонлар:** 248-02-70, 248-02-70 (факс).

**Электрон почта манзили:** oniks.mikond@mail.ru

Тошкент фармацевтика институти томонидан Умарова Мухлиса Абдувахитовна номига 1985 йилда берилган МВ-1 № 079866 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги М.Улуғбек академик лицейи томонидан Ташпулатов Дилшод Абдусаттарович номига 2005 йилда L № 019144 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ВА "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



**Ободлик кўнгилдан бошланади**

**ЛОЛАЛАР:**

**БЕТАКРОР ГЎЗАЛЛИК ТИМСОЛИ**

**Баҳор – янгиланиш, энг покиза туйғулар, шодлик, қувонч, камалак ранглар фасли. Дастлаб зумрад, кейин бинафша, ним пушти ранг гилам ёзган табият энди лолалару, настаринли, жажжи момақаймоқли палакларини чор атрофга ёймоқда. Турфа, анвойи, ғоят мафтункор ва бетакрор лолалар шу кунларда пойтахтимиз ва шаҳримиз меҳмонларини ҳайратга солмоқда. Барчага бир олам завқ, кўтаринки кайфият бағишламоқда.**

Жонажон шаҳримизнинг анвойи гулу лолаларга бурканишида кишин-ёзин, об-ҳавонинг турли шароитларида, офтобу қор-ёмғирда ҳам меҳнатдан чарчамайдиган ободонлаштириш соҳаси ходимларининг хизмати бекиёс. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театри олдидаги хиёбондан ҳеч ким бепарво ўтиб кетолмайди. Бундай манзарани "Халқлар дўстлиги" саройига туташ майдонда, хиёбон ва кўчаларда ҳам кузатиш мумкин. Юзлаб лолалар ўтган-кетганга беминнат хушқайфият, руҳиятига энгиллик бағишлайди. Она табиятнинг ўзи моҳир мусаввир, тенги йўқ дизайнер эканини, ундаги ранглару жиллоларни таърифлашга сўз ожизлигини беихтиёр англаб этади киши.

Бундай мафтункор гўзалликни ҳамшаҳарларимиз, сайёҳлар, пойтахт меҳмонларига тўхфа этишда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ободонлаштириш бош бошқармаси ходимларининг хиссаси бекиёсдир. – Бу лолаларни пойтахтимиз ахли ва унинг меҳмонларига ўзига хос баҳорий тўхфа дейиш мумкин, – дейди Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасининг бошқарувчиси ўринбосари, шаҳар бош агрономи Хушнуд Ёқубов. – Ўтган йилнинг октябр-ноябрь ойларида шаҳримизнинг марказий кўчалари, одамлар, айникса, хорижий сайёҳлар гавжум жойларга уч юз минг туп лола пиёзи қадалган эди. Улар Туркиядан келтирилган бўлиб, ғоят хилма-хил навлардир. Лола парвариши учун уни суғо-

риш, озуқалаш муайян тартиб ва шароитни талаб этади. Кўриб турганингиздек, бугун улар шаҳримизни яшнатмоқда.

Дарҳақиқат, ободонлаштириш соҳаси ишчиларининг фидокорона меҳнати билан шаҳримиз ғоят гўзал ва бетакрор манзара касб этган. Айни пайтда наинки марказий кўчалар, балки Тошкентнинг барча туманларида анвойи гуллар билан атрофни безашга жиддий эътибор қаратилгани диққатга сазовор. Ландшафтли дизайн асосидаги бундай гулзорларни яратишда рассомлар, дизайнерлар, агроном, сувчилар, боғбону гулчиларнинг хизматлари бекиёс бўлмоқда. Сальвия, бегония, тагетис, петунья, райхон, алиссум, георгин каби гуллар ҳар қандай нозик дидли инсоннинг дилга хуш ёқиши табиий.

Маълум бўлишича, ўтган йили пойтахтга эрта баҳордан то кузга қадар 5 миллион туп гул кўчати ўтказилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилда 11 миллионни ташкил этади. Ҳозиргача бир ярим миллион туп гул кўчатини ўтказишга муваффақ бўлинди. Анвойи гулларнинг уруғ ва кўчатларини етиштиришда бошқарма "Flowers garden" фирмаси билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйгани қутилган самараларни бермоқда.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, баъзан лолаларни бешафқат узиб, атрофдаги гўзалликни бузаётган ҳамшаҳарларимиз ҳам борлиги жуда афсусланарлидир. Зеро, юзлаб одамларнинг машаққатли меҳнати, бетиним заҳмати натижасида яратилган, барча баҳра олаётган неъматларга путур етказишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

Назокат УСМОНОВА

**СИФАТИ КАФОЛАТЛАНМАГАН МАҲСУЛОТЛАР...**

**Поездда олиб келинаётган сифати кафолатланмаган маҳсулотлар фош этилди.**

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлими ходимлари "Келес" темир йўл чегара божхона пости вакиллари билан ҳамкорликда товар моддий бойликларининг ноқонуний олиб кирили-

шига қарши тезкор тадбир ўтказди. Тадбир давомида "Москва-Андижон" йўналиши бўйича ҳаракатланаётган поездда фуқаро А.Ф. томонидан сифати кафолатланмаган 630 дона электрон кальян ароматизаторлари ҳамда 3 комплект тиббиётда

қўлланиладиган жарроҳлик асбоблари борлиги аниқланди. Қонунбузардан олиб қўйилган ашёвий далилларнинг умумий қиймати 88,2 миллион сўмни ташкил қилди. Айни пайтда юқоридаги ҳолат юзасидан божхона текширувлари олиб борилмоқда.

**ПСИХОТРОП ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ФОШ ЭТИЛДИ**

**Амалдаги тартибларга кўра, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни почта жўнатмаларида, шу жумладан халқаро почта жўнатмалари орқали жўнатиш тақиқланган бўлишига қарамай бу каби қонунбузарлик ҳолатлари учраб турибди.**

Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг "Бош почтампт" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари шу турдаги қондабузарликларни фош қилишди.

Жумладан фуқаро С.Ў. номига хориждан юборилган почта жўнатмаси божхона назоратидан ўтказилганда божхона декларациясида кўрсатилмаган 36 дона "Rokacet plus" номли инсон руҳиятига салбий таъсир этувчи психотроп дори воситалари борлиги маълум бўлди.

Шунга ўхшаш ҳолатда хориждан келган почта жўнатмасида 150 дона "Alprazolam ratiopharm 0,5 mg" номли психотроп дори воситаси борлиги аниқланди.

Шунингдек, хориждан фуқаро Ш.Т. номига юборилган почта жўнатмаси ҳам божхона назоратидан ўтказилганда божхона декларациясида кўрсатилмаган 6 турдаги салкам 480 дона дори воситалари ҳамда психотроп дори воситалари борлиги маълум бўлди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан текширув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Эслайтиб ўтамуз, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни контрабанда, яъни божхона назоратини четлаб ўтиб божхона назоратидан яшириб ўтказиб божхона ҳужжатлари ёки воситаларга ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 246-моддасига мувофиқ беш йилдан ўн йилгача ва ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги 12-сонли қароридан божхона чегараси орқали Жиноят кодексининг 246-моддасининг биринчи қисмида қайд этилган контрабанда предметларини ўтказишда ифодаланган ҳаракатларни квалификация қилишда контрабанда предметлари микдори ҳуқуқий аҳамият касб этмаслиги ҳақида кўрсатиб ўтилган.

**Зарина РУСТАМОВА**

**Қатрала**

**ДОВУЧЧА ВА БАРГ**

– Устимга соя ташлаганинг ташлаган. Ўз ҳолимага кўй. Офтобга хоҳлаганимча тўйай, – деди данакдек довучча устидаги баргга.

– Сенга зарарни раво кўрмайман, – деди барг ва миннат бўлмасин деб, унга паноҳгоҳлик қилаётганини айтмади.

Бир кун калтакнинг зарбидан барг узилиб ерга тушди. Усти очик қолган довучча дўлдан зарб еб, юзи чўтир бўлгач, баргнинг қадрини англай бошлади.

**ЎЗИ БЎЛМАГАНГА ЯРАША**

Шафтолининг пушти гуллари кучсиз ел қанотида ўйнаб учди. Сокин парвозида ўйчанлик: "Қинимиздан чиққан йўртмачоқлар омон бўлсин".

Афсуски, гуллар чигитдек-чигитдек меваларнинг келажак ҳаётидан беҳабар. Ўзини тушунган "оғриганлари" тақдирига тан бериб, ел баҳона вақтида тўкилади. Ўйи беғараз: "Бошидан касалландик. Вақтида жойни бўшатиб, соғлом шафтолиларнинг яйраб пишишига йўл берайлик".

Фақат биргинаси соғлом фикрдан мустасно. – Обрўинг борида тушиб кетақол, – деди шох силкиниб унга.

– Яшагим келаяпти. – Умринг бекор. Сени еганлар лаззат олмайди, – силкинади яна шох.

У узилгиси келмай ёнидаги соғ шафтолига урилиб ичи қуярди: "Мен кетсам яйраб-йайраб семирмасан-да, а?".

Соғ шафтоли пичингини ўзига олмай мулоҳаза қилади: Сенинг ҳисобингга семирсам, йўқлигинг билинмас.

Касал шафтоли аросатда, жим. Буришиб, бўзрайгани-бўзрайган. Мевалар-

дан оғоҳ боғбоннинг кўзи ниҳоят унга тушди. Каттикроқ силкийтиб тушириб юборди. Бундан банди қаттиқ соф шафтолилар ҳам безовталанди. Баъзилар бор: Ўзи бўлмаганга яраша ўзгараларга ҳам йўл бергиси келмайди.

**ҚИЙНАЛСАМ ҲАМ...**

Ўқарикдан келаятган сувнинг ярми янги олинган жўякка бурилди. Ярми эса тўсик чимнинг тағидан сизиб ўтди. Кеча суғорилик ривожланган жўякка кирди-да осонгина милдиради. Ўзидан олдин янги жўякка кирган сувга:

– Кесакларга урилиб оёқлаунингча азоб ейдиган бўлдинг. Мен билан тайёргина равон ариқдан оқаверсанг бўларди.

– Қийналсам ҳам, ўз йўлимни очсам, дейман, – деди сабр билан милдираётган сув.

Равон ариқда сувнинг мақтовии узоққа бормади. Кетмоннинг турткичи билан гадир-будурли жўякка бурилган сув мақтаганинга пушаймон бўлди.

**ОДОБ НУРИ**

Ота боғ эшигидан қўшни йигитни чақириб: – Дарахтингиз ўзи мевасиз. Устига-устак баъзи шохлари шафтолимизга тушадиган офтобнинг нурига тўғанок. Шуларни кессангиз, – дея оҳиста илтимос қилди.

Йигит "Хўп" деди-ю, ичида илтимосини "майда гап"га йўйди.

Шафтоли фарқ пишган. Ота офтоб еган шафтолидан еб кўради. Асалмисан асал. Нурсиз сояда қолгани бемаза.

– Увол, молнинг тоғорасига тушадиган бўлди, – деди ота бемаза шафтолиларга ачиниб. Ота бугина эмас, уволнинг бош сабабчиси бўлган қўшни йигитнинг қалбида одоб нурунинг йўқлигига ҳам ачинди.

**Фани АБДУЛЛАЕВ**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

Олмазор тиббиёт коллежи томонидан Исокова Назокат Туропбой кизи номига 2005 йилда берилган К № 269982 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"OLTIN VODIY EXPORT" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР 305019184) иштирокчилари сафида ўзгариш бўлиши муносабати билан жамиятнинг Устав фонди 11 837 647 000,00 сўмдан 10 000 000,00 сўмгача камайтирилганлигини маълум қиламиз. Маълумот учун телефон: (90) 324-25-27.

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ўнқўрғон ҚФЙ, "Парвоз" маҳалласи, Чимкент йўли кўчаси, 31-уй эгаси Файзиев Муроджон Насируллаевич номига Қибрай тумани кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари ва уй дафтари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



**МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР**

Дард ичдан емиради.

\* \* \*

Тирик одам ташвишсиз бўлмас.

\* \* \*

Текин нарсанинг харидори кўп бўлади.

\* \* \*

Узоқ яшашдан мақсад кўпроқ яхши иш қилиш бўлиши керак.

\* \* \*

Нодон ўз илдизига болта уради.

\* \* \*

Аҳмоқ ўз бахтини ўзи барбод этади.

\* \* \*

Ҳаёт ҳамиша музаффар.

\* \* \*

Миннатли яхшилик ёмонликдан баттар.

\* \* \*

Қаҳру нафрат кўзингни кўр қилиб қўяди.

\* \* \*

Дунёда нодондан кучли душман йўқ.

\* \* \*

Кимнинг қўли гул, кимнинг кўнгли.

\* \* \*

Илк таассуротни ўзгартириш қийин.

\* \* \*

Кечангни унутсанг ҳам, эртангни унутма.

\* \* \*

Ҳақ сўзнинг мақоми ҳамиша баланд бўлади.

\* \* \*

Ёлгон бамисоли кийимга кўнган чанг – бир қоқсанг учиб кетади.

\* \* \*

Улоқ ҳамиша ҳам лойик кишида кетавермайди.

\* \* \*

Кимга тили душман, кимга дили.

\* \* \*

Курашиб энгилган мағлуб эмас.

\* \* \*

Қаноатсиз – саодатсиз.

\* \* \*

Сен одамларни билмасанг ҳам, одамлар сени билишади.

\* \* \*

Инсоннинг табияти тақдирини белгилайди.

\* \* \*

Вақтдан азизи йўқ, бахтдан лалзизи.

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 4 апрель кунини ҳаво ўзгариш турари, вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлади. Фарбдан секундида 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 10-12, кундузи – 20-22 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 4 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.